

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИМЛИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВА ГУЗАЛ ЖАЛОЛИДДИНОВНА

**ТУЗГА СЕЗУВЧАН АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯНИНГ, СУВ ВА
ТУЗЛАР АЛМАШИНУВИНИ БОШҚАРУВЧИ ГЕНЛАРНИНГ
ИШТИРОКИДАГИ КЛИНИК ВА ФАРМАКОГЕНЕТИК
ТАМОЙИЛЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абдуллаева Гузал Жалолиддиновна

Тузга сезувчан артериал гипертониянинг, сув ва тузлар алмашинувини бошқарувчи генларнинг иштирокидаги клиник ва фармакогенетик тамойиллари 3

Абдуллаева Гузаль Жалолиддиновна

Клинические и фармакогенетические аспекты солечувствительной артериальной гипертензии с учетом генов, регулирующих водно-солевой обмен 27

Abdullaeva Guzal Jaloliddinovna

Clinical and pharmacogenetic peculiarities of salt-sensitive arterial hypertension with the account of genes regulating water-salt exchange 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИМЛИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВА ГУЗАЛ ЖАЛОЛИДДИНОВНА

**ТУЗГА СЕЗУВЧАН АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯНИНГ, СУВ ВА
ТУЗЛАР АЛМАШИНУВИНИ БОШҚАРУВЧИ ГЕНЛАРНИНГ
ИШТИРОКИДАГИ КЛИНИК ВА ФАРМАКОГЕНЕТИК
ТАМОЙИЛЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.DSc/Tib293 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Гадаев Абдигаффор Гадаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Розиходжаева Гульнора Ахмедовна тиббиёт фанлари доктори Абдуллаева Чарос Абдуджалиловна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«Кардиология илмий-тадқиқот тиббиёт маркази» Федерал давлат бюджет муассасасининг А.Л. Мясников номидаги клиник кардиология илмий-текшириш институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01. рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2018 й. соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Ўзбекистон, 100052, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4. Тел/факс (99871) 237-38-16, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ билан рўйхатга олинган) Манзил: Ўзбекистон, 100052, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4. Тел/факс (99871)237-38-16

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____да тарқатилди.

(2018 йил «___»_____даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

М.Г. Мухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон соғлиқ сақлаш ташкилотининг резолюциясига кўра артериал гипертония дунёда юрак-қон томир касалликларидан бўлган ўлим даражасини оширишда етакчи глобал хавф сифатида белгиланган. «Артериал гипертония жаҳондаги ноинфекцион пандемиялардан бири бўлиб, сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисмида ташхис қилинади ва ҳар йили деярли 7 млн. кишининг ўлимига сабаб бўлади»¹. Артериал гипертония (АГ) гипертония касаллигининг асосий синдроми бўлиб, нишон аъзолар – бош мия, юрак ва қон томирлар, буйрақлар шикастланишига олиб келадиган хавф омили ҳисобланади. Ҳозирги вақтда АГ ўзининг кенг тарқалганлиги ва ҳаётга хавфли юрак-қон томир тизими, ҳамда буйрақлар томонидан келтирадиган асоратлари туфайли соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммосига айланган.

Жаҳон миқёсида АГни ташхислаш, касалликнинг фенотипик, жумладан тузга сезгирлик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда самарали фармакотерапиясини такомиллаштириш, фармакогенетик хусусиятларини ёритиш юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. «Тузга сезгирлик феномени ривожланган мамлакатларда умумпопуляцион муаммо бўлиб қолган, сабаби – авваламбор у билан боғлиқ АГ вариантларининг кенг тарқалганлигидир, жумладан, кексаларга хос изоляцияланган систолик АГ, буйрақларнинг сурункали касаллигидаги, метаболик синдромдаги, 2-тип қандли диабетдаги АГ шулар қаторига киради, шу сабабли изчил тадқиқотлар ўтказишни талаб этади»². Бу борада АГ патогенезининг негизида ётувчи, касалликнинг ирсий мойиллиги ва фенотипик ўзгаришларини бошқарувчи, натрий ретенциясини экспрессияловчи генетик полиморфизмларни гипертониянинг ривожланишида, дори воситаларга резистентликни келиб чиқишида ва юрак-қон томир ремоделланиш жараёнидаги аҳамиятини асослаш ҳамда касалликнинг юрак-қон томир асоратлари ривожланишдаги прогнозини аниқлаш илмий тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикада АГ ва унинг хавф омилларини олдини олиш, касалликни эрта ташхислаш, диспансер назоратга олиб, замонавий тавсиялар бўйича даволаш, артериал босимни мақсадли даражасига эришиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга республикада олимлари томонидан, АГ патогенези механизмларини ўрганиш, гипертония ривожланишининг генетик детерминантларини аниқлаш бўйича ўтказилаётган тадқиқотлари охир оқибатда касалликнинг патогенетик терапиясини оптималлаштиришга қаратилган. Жумладан, гипертония касаллигининг ривожланишида нейрогуморал тизимлар фаолияти бузилишининг аҳамияти, ўзбек миллатига мансуб АГли беморларда номзод генларнинг полиморфик маркерларини тарқалиши, асосий гуруҳ антигипертензив дори

¹ Чазова И. Е., Данилов И.М., Литвин А.Ю. Рефрактерная артериальная гипертония. Издательство «Атмосфера».- 2014.-254 с.

² Kato N. Genetic analysis in human hypertension// Hypertens Res.- 2002.- No25.- P. 319-327.

воситаларнинг фармакотерапевтик режалари ва фармакогенетик жиҳатлари асосланган. Шу билан бирга туз ва сув ретенциясини кодловчи генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда АГли беморларда турли тузга сезгирлигининг патогенетик жиҳатларига, тузга сезгирликнинг турлилигини ҳисобга олган ҳолда антигипертензив препаратларининг фармакогенетик хусусиятларига тегишли масалалар ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш учун мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. АГнинг, жумладан, тузга сезгир АГнинг патогенезини, диагностикасини ўрганишга ва даволаш тактикасини мукаммаллаштиришга, шунингдек, кўп омиллик касалликлар ривожланиши генетик детерминантларини ва терапияга жавобни аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлар ва олий ўқув муассасаларида, жумладан: Department of Epidemiology and Health Statistics, School of Public Health, Capital Medical University (Хитой), Unit of Psychiatry, Faculty of Health Sciences, University of Macau, Macao SAR (Хитой), University of Alabama at Birmingham (АҚШ), Vanderbilt University (АҚШ), Department of Internal Medicine, Hypertension and Vascular Research Division, Henry Ford Hospital, Detroit, MI (АҚШ), Institute of Physiology of the Czech Academy of Sciences, Prague (Чехия Республикаси), Department of Medicine, UCSF School of Medicine, San Francisco, California (АҚШ), Cell and Molecular Biology Laboratory, Department of Cellular Biology & Pharmacology, Cardiovascular Genetics Unit, Cardiology Division, Department of Medicine, University of Utah School of Medicine (АҚШ), Тбилиси давлат тиббиёт университети (Грузия), Харьков тиббиёт академияси кардиология ва функционал диагностика кафедраси (Украина), Division of Nephrology, Department of Internal Medicine, Gangnam Severance Hospital, Yonsei University College of Medicine (Корея), Department of Clinical Epigenetics, Research Center for Advanced Science and Technology, The University of Tokyo (Япония), Давлат профилактик тиббиёт илмий-текшириш маркази ФДБМ (Россия

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/, www.who.int/, www.nhlbi.nih.gov/, www.heart.org, www.acc.org, www.medscape.com/, www.idf.org/, www.instituteofdiabetes.com.au/, www.scardio.ru/, www.almazovcentre.ru/, www.medgenetics.ru/ ва бошқалар.

Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон) да олиб борилади.

Жаҳонда АГни диагностика қилиш, даволаш самарадорлигини ва хавфсизлигини оширишга, тузга сезгирлик феноменининг АГнинг кечишига, нишон-аъзолар шикастланишига ва ирсий моҳиятини клиник-функционал асослашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тузга сезгир АГни юрак-қон томир касалликлари ривожланишининг мустақил хавф омили эканлиги асосланган (Beijing Capital Medical University); ош тузини ортиқча истеъмол қилишнинг айнан юрак ишемия касаллиги, қандли диабет ва инсульт ривожланиши ҳамда ўлим даражасини ортишидаги прогностик аҳамияти аниқланган (Michigan State University, АҚШ); тузга сезгир АГнинг молекуляр-генетик детерминантларини аниқлаб, АҚШда яшовчи турли ирқ ва этник гуруҳларда туз ва сув алмашинувида иштирок этувчи генетик полиморфизмларнинг тарқалиш моҳияти очиқ берган (Cardiovascular Genetics Unit, University of Utah School of Medicine ва Human Genomics Laboratory of Louisiana State University, АҚШ); АГнинг патогенезида иштирок этувчи генетик полиморфизмларнинг антигипертензив дори воситаларга фармакологик жавоб ўрта-сида ўзаро боғлиқлик исботланган (Department of Pharmacotherapy & Center for Pharmacogenomics, University of Florida).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида тузга сезгир АГни сув-туз алмашинувини бошқарувчи генларни ҳисобга олган ҳолда клиник ва фармакогенетик жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: туз ва сув ретенциясини экспрессияловчи генетик полиморфизмларни тарқалишини асослаш; тузга сезгир АГнинг метаболик жараёнлар кечишига таъсири, липид, оқсил ва углевод алмашинувининг бузилиш патогенезини аниқлаш; тузга сезувчанликни аниқлашнинг ноинвазив усулларини такомиллаштириш; тузга сезувчанликни ёшга, жинсга насбатан қон томирлар эндотелийсининг дисфункцияси, томир артериосклерози ва атеросклерози ривожланиши, қон томирлар дағалланиши жараёнидаги аҳамиятини асослаш; дифференциал фармакотерапия ва фармакогенетика самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ортиқча туз билан АБ ортишининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги эпидемиологик далиллар ҳозирги кунда жуда ишончлидир. АГ ривожланишида ош тузини ортиқча истеъмол қилиш ролини исботлаган энг йирик эпидемиологик тадқиқот бўлиб INTERSALT лойиҳаси ҳисобланади, унда 32 та мамлакатдан 10074 та бемор иштирок этди (The INTERSALT Study Group. INTERSALT Study an international cooperative study on the relation of blood pressure to electrolyte excretion in populations. I. Design and methods. the INTERSALT CO-operative Research Group J Hypertens 1986). Ўз ичига 3,5-19 йил давомида 177 025 та иштирокчининг кузатуви тўғрисидаги маълумотларни киритган 13 тадқиқотнинг мета-таҳлили кўрсатдики, ош тузини ортиқча истеъмол қилиш инсульт хавфини 23% га (1,23; 95% ИИ 1,06-1,43; $p=0,007$) ва юрак-қон томир

касалликлари хавфини 14% га (1,14; 0,99-1,32; $p=0,07$) оширади (He F. J., Macgregor G.A., 2012). Кўпчилик тадқиқотларда кўрсатилганки, тузга сезгирлик АГда нишон аъзолар шикастланиши тезлигининг ортишига ёрдам беради (Frohlich ED, Varagic J, 2005). Организмда натрийнинг ортикча миқдори чап қоринча гипертрофиясининг янада яққолроқ ривожланиши билан бирга кузатилган (Beil AH, Schmieder RE., 1995). Буйракларнинг диабетик шикастланиши бор беморларда тузга сезгирлик оқсилларнинг сийдик билан чиқиб кетиши ортишига мойиллик кўрсатган (Weir MR., 1998). TONE тадқиқотида туз миқдори кам пархезга риоя қилиш АГли кекса беморларда юрак-қон томир касалликлари тезланишини ва антигипертензив препаратларга эҳтиёжнинг пасайиши билан бирга кузатилган (Whelton PK, Appel LJ, Espeland MA. et al., 1998). Тузга сезгирлик ривожланишида иштирок этадиган кўпчилик генлар маҳсулотлари у ёки бу йўсинда натрийнинг буйрак транспорти бошқарилишида қатнашади ва натрийнинг организмда ушланиб қолишига ёрдам беради. Альдостеронсинтаза гени W-аллелини (CYP11B2 1C) ташувчиларида мойилликнинг эҳти-моли максималдир (Meneton P, Jeunemaitre X, de Wardener HE, MacGregor GA., 2005). Одамда тузга сезгирликка мойиллик туғдирувчи баъзи бир генлар, жумладан, альфа-аддуцин генининг Trp/Trp ва Trp/Gly-вариантлари (Cusi D, Barlassina C, Azzani T et al., 1997), ангиотензиноген гени AA-варианти аниқланган (Hunt SC, Cook NR, Oberman A et al., 1998). Шунингдек, қайд қилинганки, қон зардободаги натрийнинг ортиши билан бир вақтда калий концентрациясининг пасайиши буйрак Na^+/H^+ -транспортери фаоллиги ортишига ёрдам берувчи G-оқсил суббирлиги β -3 гени TT-варианти (C825T полиморфизм) мавжудлигида кузатилади (Marlin DN, Andreu EP, Ramirez Lorca R et al., 2005).

Ўзбекистонда артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, сурункали юрак етишмовчилиги ва бошқа касалликларнинг молекуляр-генетик жиҳатларига (Курбанов Р.Д., Елисеева М.Р., 2005, Хамидуллаева Г.А., 2010, Шек А.Б., 2012, Камилова У.К., 2013, Гадаев А.Г., 2000, Нуриллаева Н.М., 2013, Абдуллаева Ч.А., 2014 ва бошқалар), шунингдек, АГ ни даволашда антигипертензив препаратларнинг фармакогенетик жиҳат-ларига етарли даражада эътибор берилган (Елисеева М.Р., Курбанова Д.Р., Хамидуллаева Г.А., 2009), GNB3 гени C825T полиморфизмининг тузга сезгир АГ билан боғлиқлиги аниқланган (Нагай А.В., 2011).

Бироқ, ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили кўрсатдики, Республикада тузга сезгир АГ ривожланишида иштирок этадиган номзод генлар етарли даражада ўрганилмаган. Тузга сезгир АГни тарқалиши, уни юрак қон-томир ремоделланишига жараёнига таъсири, сув ва туз алмашинувида иштирок этувчи генетик полиморфизмлар билан антигипертензив дори воситаларнинг фармакогенетик хусусиятлари, асосий антигипертензив дори воситаларининг тузга сезгир АГда дифференциал танлаш муаммоси ҳозиргача ҳал қилинмаган. Ушбу йўналиш устида илғор изланиш олиб бориш ва ҳар томонлама баҳолаш талаб қилинмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 13.5 «Юрак-қон томир асоратлари юқори хавфи бўлган беморларни даволашга сув-туз алмашинувини бошқарувчи генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда фармакогенетик ёндошувларни оптималлаштириш» ва А10-СС-0-87774 «Юрак-қон томир хавфи клиник ва генетик предикторларини ҳисобга олган ҳолда резистент артериал гипертензиянинг диагностикаси ва фармакотерапиясини оптималлаштириш» лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тузга сезгирликни ва сув-туз алмашинувида иштирок этувчи генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда тузга сезгир артериал гипертониянинг юрак-қон томир ремоделланиши жараёнларига таъсирини ва антигипертензив терапия жиҳатларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек миллатига мансуб шахсларда тузга сезир АГни учраши тезлигини ўрганиш;

АГли беморларда нишон аъзолар шикастланиши билан шартланган тузга сезгирлик феноменини ўрганиш;

АГли беморларда тузга таъм сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда артериал босим суткалик профили (АБСП) нинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

тузга сезгирликнинг генетик детерминантларини аниқлаш мақсадида АГли беморларда сув-туз алмашинувида иштирок этувчи генлар полиморфизми тақсимланиши хусусиятларини исботлаш;

тузга сезгир АГ га кўра антигипертензив препаратлар билан моно- ва комбинацияли терапиянинг клиник самарадорлигини такомиллаштириш;

АГли беморларда антигипертензив терапия самарасининг фармакогенетик хусусиятларини аниқлаш;

ўрганилган генлар полиморфизмини ва АГ тузга сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда АГ терапиясига дифференциал ёндошувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек миллатига мансуб, I-III даражали АГси бор (ESC/ESH, 2013) 225 нафар бемор асосий гуруҳга ва ўзбек миллатга мансуб 148 нафар соғлом шахс олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анамнез, физикал маълумотлар, марказий гемодинамика, эндотелий функцияси, углеводлар ва липидлар алмашинуви кўрсаткичлари, беморлар ва соғлом шахсларнинг қон зардоби, пешоби олинган, шунингдек, ДНКси ажратилган.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик текширув услублари, туз синамалари ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек миллатига мансуб АГли беморларда нишон аъзоларнинг ишончли ифодаланган шикастланиши, яққол чап қоринча гипертрофияси/дисфункцияси ва қон томир эндотелийси дисфункцияси ривожланиши ҳамда тонгги

систолик ва диастолик артериал босим кўтарилишини юқори тезлиги тузга сезувчанлик билан узвий боғлиқлиги асосланган;

туз ва сув алмашинувини экспрессияловчи генларнинг (ADD-1, CACNA1c, EDNRA, CYP3A5) генотип ва аллеларининг тақсимланиши АГли беморларда ҳам ва соғлом шахсларда ҳам фарқланмаганлиги аниқланган, ирсийланишнинг генетик моделлари асосида CYP3A5/G6986A гени полиморфизмининг G-аллели ўзбек миллатига мансуб шахсларда АГ га мойиллик омили эканлиги исботланган;

тузга сезгир АГли беморларда CYP11B2/C-344T генининг T-аллели ва CACNA1/52797G>A генининг A-аллелининг тузга сезгир гипертония билан шартланиши, тузга резистент АГда тузга сезгирликка нисбатан ADD-1/G460T генининг G-аллели ўзбек популяциясида ишончли равишда кўп учраши асосланган;

АГли беморларда индапамид ва зофеноприл билан монотерапияга, шунингдек, периндоприл/индапамид ва индапамид/лерканидипин билан комбинацияли терапияга ош тузига сезгирлик ва резистентликни ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндошув ишлаб чиқилган;

АГли беморларда ADD-1/G460T гени G-аллелини ва CYP11B2/C-344T гени T-аллелини индапамиднинг юқори антиремоделловчи афзалликлари асосланган ҳамда ACE/ID гени D-аллели ва CYP11B2/C-344T гени T-аллели АГли беморларда зофеноприлнинг антигипертензив ва антиремоделловчи самарадорлигини чегаралаши билан шартланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак-қон томир ремоделланиши ва метаболик бузилишлар ривожланишини профилактика қилиш учун тузга сезгир АГни аниқлаш мақсадида АГ ли беморларда ош тузига таъм сезгирлиги чегарасини аниқлашнинг R. Henkin услуги бўйича энг қулай, ноинвазив усулини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

тузга сезгир АГли беморлар учун терапиянинг афзал режими сифатида I даражали АГда индапамид бидан $2,5 \pm 0$ мг/сут дозада монотерапияни ва II-III даражали АГда тузга сезгир АГ билан патогенетик боғлиқ бўлган лерканидипин ва индапамиднинг $11,32 \pm 4,93/2,5 \pm 0$ мг/сут дозада комбинацияли терапиясини қўллаш тавсия этилган;

АГли беморларда ADD-1 генининг G-аллели ва CYP11B2 генининг T-аллели ташилиши аниқланганда фармакогенетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда индапамид тайинланиши таклиф этилган;

АГли беморларда зофеноприлнинг антигипертензив ва антиремоделловчи самарадорлигини чекловчи ACE гени D-аллели ва CYP11B2 гени T-аллели ташилишида ушбу препаратни тайинлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган. ACE, CYP11B2, ADD-1 генлари генетик полиморфизмини аниқлаш индапамид ва зофеноприл билан самарали монотерапия режаси танловини такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар сонининг етарлигига, тадқиқот ўтказилишига тўғри услубий ёндошувга, шунингдек, клиник-биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик тадқиқотлар сонли

натижаларининг замонавий статистик услубларни қўллаган ҳолда ишловига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ош тузига таъм сезгирлигини аниқлаш билан бирга комплекс текширувини ўтказиш ЧҚ ва қон оқими ремоделланиши ривожланиши билан бирга АГ тараққий этишини прогноз қилишга имкон беради. Кўрсатилган жараёнлар ривожланиши ифодаланганлигини прогноз қилиш мақсадида ош тузига таъм сезгирлигини баҳолаш учун синама ўтказиш, шунингдек, СҮР11В2, ADD-1, СҮР3А5 ва САСNA1с генлари нохуш генотиплари ва аллелларининг ташилишига генотиплаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, сув-туз алмаши-нувида иштирок этувчи генлар полиморфизмини аниқлаш индивидуал дифференциал антигипертензив терапия ўтказишга ёрдам беради. Ўзбек миллатига мансуб АГли беморларда тузга таъм сезгирлигини ва генетик полиморфизмларни ҳисобга олган ҳолда моно- ва комбинацияли терапияни оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилди. Тузга сезгир АГли беморларда индапамид билан монотерапия ва индапамид ҳамда лерканидипин билан комбинацияли терапия юқори антигипертензив самарадорлиги ва нишон аъзоларни ҳимоя қилиши туфайли асоратлар ривожланишининг пасайишига ёрдам беради. Олинган хулосалар ва тақдим этилган таклифлар тузга сезгир АГнинг молекуляр-генетик маркерларини ва антигипертензив препаратларнинг фармакогенетик хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. АГнинг клиник-гемодинамик жиҳатларини тадқиқ қилиш ва фармакотерапиянинг оптимал режаларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тузга сезгир артериал гипертензияли беморларда антигипертензив терапия тайинлашга дифференциал ёндошув» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 8н-р/27-сон маълумотномаси). Таклиф этилган услубий тавсияноманинг жорий этилиши тузга сезгир АГни гипертониклар орасида ташхислаш усулини татбиқ қилиш, даволашда индапамид қўлланилишининг ижобий самарасини кўрсатди, бу эса АГли беморларда ош тузини истеъмол қилишни чеклаш бўйича превентив тадбирларни ўтказиш имконини берган;

тузга сезгир АГнинг клиник-гемодинамик детерминантларини, эрта диагностика ва фармакотерапияни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар амалий тиббиётга, жумладан Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Тошкент вилоят кардиологик диспансери, Сирдарё вилоят кардиологик диспансери амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 8н-д/53-сон маълумотномаси). Жорий этилган натижалар тузга сезгир АГни эрта диагностика қилишга, касалликнинг клиник кечишини ва асоратлар ривожланиши хавфини ўз вақтида баҳолашга, даволаш ва касаллик профилактикасига самарали ёндошишга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга методик асос ҳисобланади;

ош тузига таъм сезгирлик бўсағасини аниқлаш асосида тузга сезгир ва резистент АГни индивидуаллаштирилган дифференциал даволаш амалиётга, жумладан Сирдарё ва Тошкент вилоятлари кардиологик диспансерлари, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази консултатив поликлиникасига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 8н-р/27-сон маълумотномаси). Бунда индапамид монотерапияси тузга сезгир АГли беморларда, зофеноприлнинг монотерапияси тузга резистент АГли беморларда қўлланилиши мақсадли артериал босимга эрта эришиш ва даволашга кетган маблағларни 20%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 26 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуи бўйича 105 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, жумладан, 22 та журнал мақоласи, улардан 15 таси республика журналларида ва 7 таси чет эл журналларида (жумладан, 2 та инглиз тилида) чоп этилган, мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун тавсия қилинган журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисмидан, 4 та бобдан, хулосадан, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши ҳажми 231 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тузга сезгир артериал гипертония этиопатогенези, эпидемиологияси, генетик детерминацияланганлиги, фармакотерапияси ва фармакогенетикаси жиҳатлари**» биринчи бобида олти кичик боблардан иборат адабиётлар мунозараси тақдим қилинган бўлиб, уларда тузга сезгирлик юрак-қон томир асоратларининг мустақил омили тўғрисида; тузга сезгир АГ шаклланиши механизмлари тўғрисида; тузга сезгир АГ фармакотерапияси ва фармакогенетикаси ҳақидаги замонавий тасаввурлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифномаси ва тадқиқот услублари**» иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифномаси маълумотлари, тадқиқотнинг клиник-гемодинамик, лаборатор, функционал ва молекуляр-генетик услублари келтирилган. Тадқиқот баённомасига мувофиқ 2012 йилдан то 2016 йилгача бўлган давр ичида

АГли 225 та беморда комплекс текширув ўтказилган. Илмий тадқиқот Республика ихтисослаштирилган кардиология имлий-амалий тиббиёт маркази базасида бажарилган. Беморлар диагнози ESC/ESH (2013) тасниф-номасига мувофиқ верификацияланган.

Тадқиқотга ўзбек миллатига мансуб АГ ли 225 та бемор киритилган. Беморларнинг ўртача ёши $49,68 \pm 10,9$ ни, АГнинг ўртача давомийлиги $6,5 \pm 5,3$ йилни ташкил қилди. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: симптоматик артериал гипертензия; III-IV ФС зўриқиш стенокардияси, II-III босқичдаги сурункали юрак етишмовчилиги; юрак ритми бузилишлари бор беморлар; ностабил стенокардиянинг барча шакллари; анамнезида мия қон айланишининг ўткир бузилишлари ва охириги бир йил ичида инфарктдан кейинги кардиосклероз бўлган беморлар, қандли диабет, моддалар алмашинувининг оғир бузилишлари, буйрак ва жигар етишмовчилиги оғир ёндош касалликлар мавжудлиги, оғиз бўшлиғи касалликлари.

Барча беморларда клиник текширув, АБни суткалик мониторинг, ўз ичига қондаги липид спектрини, глюкозани, креатининни, сийдик кислотасини, пешобда микроальбумин (МАУ) ни аниқлаш киритилган биокимёвий текширув, электрокардиография, эхокардиография, реактив гиперемияли синама, интима-медиа комплекси (ИМК) қалинлигини аниқлаш, шунингдек, ош тузига таъм сезгирлигини баҳолаш синамаси ва перорал тузли зўриқма синамаси каби текширувлар ўтказилди.

Молекуляр-генетик таҳлил ўзбек миллатига мансуб 189 та АГли беморларда ва ўзбек миллатли, жинси ва ёши бўйича беморлар билан таққослама бўлган ҳамда АГ га ирсий мойиллиги бўлмаган 148 та деярли соғлом шахсларда ўтказилди. ПЦР услуги ёрдамида ADD-1, CYP11B2, CACNA1c, EDNRA, CYP3A5, ACE генлари полиморфизмларига генотиплаш ўтказилди, зарурат туғилганда кейинги рестрикция бажарилди.

169 та АГли беморлар моно- ва комбинацияли терапия гуруҳларига киритилди. Биринчи гуруҳ беморларида индапамид билан монотерапия ($n=56$), иккинчи гуруҳда зофеноприл билан монотерапия ($n=52$), учинчи гуруҳда периндоприлнинг индапамид билан комбинацияли терапияси ($n=23$) ва тўртинчи гуруҳда лерканидипиннинг индапамид билан комбинацияли терапияси ўтказилди ($n=38$). Терапия давомийлиги 12 ҳафтани ташкил қилди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови «Statistica 6.0» дастурлар пакети ёрдамида ўтказилди. Натижалар ўртача (M) ва стандарт чекланиш (SD) кўринишида тақдим этилди. Корреляцион таҳлил Пирсоннинг корреляция мезонини қўллаган ҳолда параметрик услуб билан амалга оширилди. Нормал тақсимланишда таққосланаётган мустақил ўзгарувчиларнинг ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларни баҳолаш учун Стъюдентнинг t -мезони (2 та гуруҳ) ёки F мезонини ҳисоблаб чиққан ҳолда бир омилли дисперсион таҳлил (ANOVA) (2 та гуруҳдан ортиқ) қўлланилди. Танловнинг кичик ҳажмларида ва рақамли натижаларнинг тақсимланиш қонунига мувофиқ келмаганида Манн-Уитни ва Уилкоксон мезонлари қўлланилган. Ўргани-

лаётган гуруҳда белгилар учраши тезланишини баҳолашда Пирсоннинг χ^2 услубидан фойдаланилди. Статистик аҳамият $p < 0,05$ қийматида берилди.

Нисбий хавфни (OR) баҳолаш мақсадида http://gen-expert.ru/calculator_or.php сайтида Россия Федерацияси «Генетика Давлат ИТИ» давлат илмий маркази томонидан барпо этилган ««Ҳолат-назорат» тадқиқотларида статистиканинг ишлови учун калькулятор» онлайн – дастури қўлланилди.

Диссертациянинг «**Тузга сезгир артериал гипертониянинг клиник-генетик хусусиятлари**» учинчи бобида тузга сезгир ва тузга резистент АГ тузилмасининг ўзига хос хусусиятлари 189 та АГли беморда, ош тузига таъм сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда ва перорал тузли зўриқма натижаларини ҳисобга олган ҳолда 108 та АГли беморда ва аъзолар шикастланиши ва метаболик бузилишлар профили ёритилган. Ош тузига таъм сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда беморлар 3 та гуруҳга тақсимланди: ош тузига таъм сезгирлиги чегараси (ОТТСЧ) паст ($n=32$), ОТТСЧ ўртача ($n=40$) ва ОТТСЧ юқори ($n=117$) беморлар.

ОТТСЧ юқори бўлган беморлар ОТТСЧ ўртача ва паст бўлганларга нисбатан кўпроқ учраши аниқланди: мувофиқ равишда 61,9% 21,2% ва 16,9% га қарши ($\chi^2=104,905$, $df=2$, $p < 0,0001$). 148 та соғлом индивидлар таҳлили, аксинча, ОТТСЧ паст шахсларнинг ОТТСЧ ўртача ва юқори қийматларига нисбатан кўпроқ учрашини кўрсатди: мувофиқ равишда 40,6% 35,1% ва 24,3% га қарши ($\chi^2=17,065$, $df=2$, $p=0,000$).

ОТТСЧ ни баҳолаш бўйича NaCl концентрацияси билан перорал тузли зўриқма ўтказишда (Харченко синамаси) АБўрт ортишининг юқори ижобий корелляцияси ($r=0,309$, $p=0,001$) қайд этилди, бу эса ОТТСЧ юқори беморларни тузга сезгир АГли беморлар сифатида баҳолашга имкон беради.

Қон томир ремоделланишининг ИМК қалинлиги, МАУ каби омиллари ОТТСЧ юқори бўлган беморларда ОТТСЧ ўртача ва паст бўлганларга нисбатан кўпроқ даражада ўзгарган бўлиб, ИМК қалинлиги ишончли равишда ортганлиги ва МАУ даражасининг ортишга тенденцияси билан фарқланди. ОТТСЧ юқори бўлган беморларда метаболик ўзгаришлар яққолроқ ифодаланганлиги қайд этилди, бу қондаги қанд миқдорининг юқорилиги ва триглицеридемия билан бирга кузатилди.

Перорал тузли зўриқтиришни ҳисобга олган ҳолда 108 та бемор 2 та гуруҳга тақсимланди: тузга сезгир АГ ($n=69$) ва тузга резистент АГ беморлар ($n=39$). ЧҚГ ни акс эттирувчи кўрсаткичлар, хусусан, чап қоринча миокард массаси (ЧҚММ) ва чап қоринча миокард массаси индекси (ЧҚММИ) тузга сезгир АГли беморларда яққол ифодаланган ўзгаришлар билан тавсифланди ва тузга резистент АГли беморларнинг ушбу кўрсаткичларидан ишончли равишда фарқланди. Қон томир ремоделланиши маркерлари: ИМК қалинлиги, МАУ ва реактив гиперемия синамаси билан бирга елка артерияси (ЕА) диаметрининг ортиши тузга сезгир АГли беморларда тузга резистент АГли беморларга нисбатан кўпроқ ўзгарган бўлиб, МАУ даражаси ишончли даражада ортди. ЕА диаметрининг ортиши ($\Delta D\%$) тузга сезгир АГли беморларда анча камайди ва тузга резистент АГли беморлардан ишончли фарқларга эга бўлди.

АГли беморларда нишон аъзоларнинг субклиник шикастланиши кўрсаткичларини ўрганиш кўрсатдики, аёлларда ва эркакларда меёрий фарқларга қарамай, ОТТСЧ юқори бўлган аёлларда ЧҚГ нинг яққол ифодаланганлиги, ЭД қайд этилди. Аёллар юқори тана вазни индекси (ТВИ) билан тавсифланди, 64,8% ҳолларда эса семизлик аниқланди. Бундан ташқари, ОТТСЧ юқори бўлган аёлларда гликемия даражаси ОТТСЧ ўртача ва паст бўлган аёлларга нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги кузатилди. Липидлар алмашинуви кўрсаткичлари аёлларда тузга таъм сезгирлигига боғлиқ эмаслиги, ОТТСЧ юқори бўлган эркакларда эса ОТТСЧ ўртача ва паст бўлганларга нисбатан юқори зичликдаги липопротеинлар холестерини (ЮЗЛП ХС) нинг ишончли паст даражаси ва юқорироқ атерогенлик индекси қайд этилди.

ОТТСЧ ни ҳисобга олган ҳолда АБСП кўрсаткичларини ўрганиш кўрсатдики, ОТТСЧ юқори АГли беморларда САБ ва ДАБ нинг эрталабки кўтарилиши тезлиги (ЭКТ) ОТТСЧ паст бўлганларга нисбатан анча юқорироқ бўлган (САБ ЭКТ): мувофиқ равишда $25,2 \pm 17,5$ мм сим.уст./соат $16,9 \pm 8,5$ мм сим.уст./соат га қарши, бунда $p=0,028$; ДАБ ЭКТ: мувофиқ равишда $21,7 \pm 17,0$ мм сим.уст./соат $14,8 \pm 8,6$ мм сим.уст./соат га қарши, бунда $p=0,0842$), бу эса юрак-қон томир асоратлари ривожланишининг юқори хавфи билан шартланади. ОТТСЧ ни ҳисобга олган ҳолда АГ ли беморлар суткалик индексининг таҳлили тузга таъм сезгирлигидан қатъий назар тунги вақтда САБ ва АБўрт пасайиши етарли даражада эмаслигининг устунроқлигини кўрсатди. Бироқ, ДАБ нинг тунги пасайиши даражаси бўйича ОТТСЧ паст беморлар кичик гуруҳида ушбу кўрсаткич етарли даражада пасайган беморлар, яъни дипперлар сони устунлиги аниқланди.

Худди шу бобда ўзбек миллатига мансуб АГли беморларда сув-туз алмашинувини бошқарувчи полиморф маркер генларнинг (ADD-1, CYP11B2, CACNA1c, ENDR, CYP3A5) тақсимланишини ўрганиш натижалари ва тузга сезгир АГ ривожланиши хавфини генетик ҳисоблаб чиқариш усули келтирилган.

ADD1 гени G460T полиморф маркерининг тузга сезгирлик билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида АГли 174 та бемора генотипланди, улардан 105 таси тузга сезгир АГли ва 69 таси тузга резистент АГли беморлар. Тузга сезгир АГли беморлар орасида ADD1 гени G460T полиморф маркери генотиплари ва алелларининг қуйидагича тақсимланиши аниқланди: TT генотип 14,3% беморда, GT генотип –61,9% беморда, GG генотип – 23,8% беморда аниқланди, $\chi^2=60,000$, $p=0,000$. Аллелли тақсимланиш бирорта аллель ташилишининг устунлигини кўрсатмади: G аллель – 54,8%, T аллель – 45,2%, $\chi^2=3,438$, $p=0,064$. Аксинча, тузга резистент АГли беморлар орасида аллелли тақсимланиш G-аллелнинг T-аллелга нисбатан ишончли равишда устунлигини кўрсатди: мувофиқ равишда 56,5% ва 43,5%, $\chi^2=4,188$, $p=0,041$. Бунда TT:GT:GG – генотиплар нисбати қуйидагича бўлди: 15,94% : 55,07% : 28,99%, $\chi^2=23,862$, $p=0,000$. Олинган натижалар тузга резистент АГли беморлар орасида ADD1 гени G460T полиморф маркери G-аллелининг ишончли даражада кўп тўпланишини кўрсатди.

СҮР11В2 гени С-344Т полиморф маркерининг тузга сезгирлик билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 169 та АГли бемор генотипланди, улардан 102 таси тузга сезгир АГли ва 67 таси тузга резистент АГ ли беморлар. Тузга сезгир АГли беморлар орасида СҮР11В2 гени С-344Т полиморф маркери генотиплари ва аллелларининг куйидагича тақсимланиши аниқланди: СС генотип –12,7%, СТ генотип – 54,9%, ТТ генотип – 32,4% ҳолларда аниқланди, $\chi^2=40,853$, $p=0.000$. Аллелли тақсимланиш тузга сезгир АГли беморларда Т-аллел ташилишининг С-аллелга нисбатан устунлигини кўрсатди: Т аллель – 59,8%, С аллель – 40,2%, $\chi^2=14,912$, $p=0,000$. Тузга резистент АГли беморларда СС:СТ:ТТ генотиплари нисбати куйидагича бўлди: 13,4% : 67,2% : 19,4%, $\chi^2=52,299$, $p=0,000$, Т ва С-аллелларининг тезланиши эса мувофиқ равишда 53% ва 47% эканлиги кузатилди, $\chi^2=0,731$, $p=0,392$. Олинган натижалар тузга сезгир АГ ли беморларда тузга резистент АГли беморларга нисбатан альдостерон-синтаза гени С-344Т полиморф маркери Т-аллелининг ишончли равишда кўпроқ тўпланишини кўрсатди.

Генотиплаш натижасида СҮР3А5 гени G6986А полиморф маркерининг генотиплари ва аллелларини генотиплашда куйидагича тақсимланиш аниқланди: АА генотип –3 та (3,45%), АG генотип –27 та (31,03%), GG генотип – 57 та (65,52%) беморда аниқланди, $\chi^2=75,724$, $df=2$, $p=0.000$. Аллелли тақсимланиш ўзбек миллатига мансуб АГ беморларда G-аллель ташилишининг А-аллелга нисбатан устунлигини кўрсатди: А аллель - 19%, G аллель - 81%, $\chi^2=131,598$, $df=1$, $p=0.000$. Соғлом шахсларда ($n=41$) бошқача натижалар олинди, хусусан АА:АG:GG - генотиплар нисбати 26,8%:41,5%: 31,7% эканлиги қайд этилди, бунда $\chi^2=2$, $df=2$, $p=0,359$, А ва G-аллеллар тезланиши мувофиқ равишда 47,6% ва 52,4%, $\chi^2=0,220$, $df=1$, $p=0,639$. Бунда аллеллар тезланиши деярли бир-бирига тенг бўлди. Юқорида баён қилинган маълумотлар Харди-Вайнберг бўйича генотиплар ва аллеллар тезланишининг назарий ҳисоб-китобига мувофиқ келди. Шундай қилиб, ўзбек миллатига мансуб АГли беморлар орасида СҮР3А5 гени G6986А полиморф маркери G аллелининг ишончли даражада кўп тўпланиши аниқланди. Соғлом шахслар орасида бирорта ҳам аллелнинг устунлиги аниқланмади.

СҮР3А5 гени G698А полиморф маркерининг тузга сезгирлик билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 87 та АГли бемор генотипланди, улардан 55 таси тузга сезгир АГли ва 32 таси тузга резистент беморлар. Тузга сезгирликни ҳисобга олган ҳолда СҮР3А5 гени генотиплари ва аллеллари тезланишининг таҳлили ўрганилаётган беморлар гуруҳларида ахамиятга эга фарқларни кўрсатмади.

Ўзбек миллатига мансуб АГли 172 та беморни генотиплаш асосида EТ_A рецепторлар (EDNRA) гени T323C полиморф маркери генотипларининг куйидагича тақсимланиши кузатилди: ТТ-генотип 122 та (70,9%), ТC-генотип 43 та (25%), СС-генотип 7 та (4,1%) беморда аниқланди, $\chi^2=181,064$, $df=2$, $p=0,000$. Бунда Т-аллель 287 (83,4%), С-аллель в 57 (16,6%) ҳолларда қайд қилинди ($\chi^2=304,890$, $df=1$, $p=0,000$). Соғлом шахсларда ($n=42$) ТТ:ТC:СС генотиплар нисбати 62%:31%:7%, $\chi^2=28,500$, $df=2$, $p=0,000$, Т ва С-аллеллар тезланиши мувофиқ равишда 77,4% ва 22,6% бўлди, $\chi^2=48,214$, $df=1$, $p=0,000$.

Юқорида баён қилинган маълумотлар Харди-Вайнберг бўйича генотиплар ва аллеллар тезланишининг назарий ҳисоб-китобига мувофиқ келди. Шундай қилиб, ҳам АГли беморлар орасида, ҳам ўзбек миллатига соғлом шахслар орасида EDNRA гени T323C полиморф маркери T аллелининг ишончли даражада кўп тўпланиши аниқланди.

EDNRA гени T323C полиморф маркерининг тузга сезгирлик билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 172 та АГли бемор генотипланди, улардан 103 таси тузга сезгир АГ ли ва 69 таси тузга резистент беморлар. Тузга сезгирликни ҳисобга олган ҳолда EDNRA гени генотиплари ва аллеллари тезланиши қийматларининг таҳлили ўрганилаётган беморлар гуруҳлари орасида аҳамиятга эга фарқларни кўрсатмади.

Ўзбек миллатига мансуб АГ билан хасталанган 100 та беморни генотиплаш натижалари бўйича L-типидаги Ca-каналнинг (CACNA1c) 527974G>A гени полиморфизми бўйича генотипларга тақсимланиши қуйидагича бўлди: гетерозигота A/G ҳолатлар тезланиши 32 (32%), гомозигота A/A ҳолатлар 51 (51%), гомозигота G/G 17 (17%) ҳолларни ташкил қилди ($\chi^2=26,130$; $df=2$; $p=0,000$). Аллеллар тақсимланиши бир текисда эмаслиги қайд қилинди: текширилган беморлар орасида A-аллелларнинг ташилиши 67% ҳолларда, G-аллелнинг ташилиши 33% ҳолда кузатилди ($\chi^2=44,890$; $df=1$; $p=0,000$). Ўзбек миллатига мансуб соғлом шахсларни генотиплаш натижалари бўйича CACNA1c гени 527974G>A полиморфизми бўйича генотиплар тақсимланиши қуйидагича бўлди: гетерозигота A/G ҳолатлар тезланиши 21 (42%), гомозигота A/A ҳолатлар 21 (42%), гомозигота G/G 8 (16%) ҳолларни ташкил қилди ($\chi^2=10,140$; $df=2$; $p=0,006$). Аллеллар тақсимланиши бир текисда эмаслиги қайд қилинди: A-аллелларнинг ташилиши 63% ҳолларда, G-аллелнинг ташилиши 37% ҳолда кузатилди ($\chi^2=12,500$; $df=1$; $p=0,000$). Юқорида баён қилинган бўйича назорат гуруҳи маълумотлари Харди-Вайнберг бўйича генотиплар ва аллеллар тезланишининг назарий ҳисоб-китобига мувофиқ келди, АГли беморларда эса генотипларнинг кутилаётган тезланишлардан чекланиши аниқланди. Шундай қилиб, ўзбек миллатига мансуб АГ билан хасталанган ва соғлом шахсларда CACNA1c гени 527974G>A полиморф маркери тарқалганлигини ўрганиш соғлом шахслар орасида ва АГли беморларда AA генотиби ва A-аллелининг устунлигини кўрсатди. Бунда ўрганилган генотипнинг АГ билан шартланганлиги аниқланмади.

CACNA1c гени 527974G>A полиморф маркерининг тузга сезгирлик билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 80 та АГли бемор генотипланди, улардан 49 таси тузга сезгир АГли ва 31 таси тузга резистент беморлар. Тузга сезгирликни ҳисобга олган ҳолда CACNA1c гени генотиплари ва аллеллари тезланиши қийматларининг таҳлили ўрганилаётган беморлар гуруҳлари орасида аҳамиятга эга фарқларни кўрсатмади. Бироқ, тузга таъм сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда учта кичик гуруҳ (ОТТСЧ паст, $n=18$; ОТТСЧ ўртача, $n=13$; ОТТСЧ юқори бўлган, $n=49$ кичик гуруҳлар) бўйича таҳлил ўртача ва юқори чегарали беморларда A аллелнинг устунлигини аниқлади. ОТТСЧ паст беморлар орасида A ва G-аллеллар тезланиши

мувофиқ равишда 58,3% ва 41,7% ни ташкил қилди, $\chi^2=2$, $p=0,157$, бунда бирорта аллель устун бўлгани йўқ. Аксинча ОТТСЧ ўртача беморларда А аллель тезланиши G аллель тезланишига нисбатан кўп бўлган ва мувофиқ равишда 76,9% ва 23,1% ни ташкил қилган, $\chi^2=15,077$, $p=0,000$. Аналогик вазият ОТТСЧ юқори беморларда ҳам кузатилди, бунда А аллель тезланиши G аллель тезланишига нисбатан кўп бўлган ва мувофиқ равишда 64,3% ва 35,7% ни ташкил қилган, $\chi^2=16$, $p=0,000$. Бироқ, гуруҳлараро таҳлил ишончли тавсифга эга бўлмади: генотиплар учун - $\chi^2=4,263$, $df=1$, $p=0,372$, аллеллар учун - $\chi^2=2,35$, $df=2$, $p=0,309$. Шунга қарамай, CACNA1c гени 527974G>A полиморф маркерининг тузга сезгир АГ билан ўзаро боғлиқлиги бор деб эҳтимол қилиш мумкин.

Диссертациянинг «Тузга сезгирликни ва натрий ҳамда туз ретенциясини бошқарувчи генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда антигипертензив терапияни клиник ва фармакогенетик асослаш» тўртинчи бобида АГли беморларда тузга сезгирликни ҳисобга олган ҳолда моно- ва комбинацияли терапиянинг турли схемалари самарадорлигини баҳолашга бағишланган натижалар, шунингдек, ўрганилган ADD1, CYP11B2, ACE генлари полиморфизимини ҳисобга олган ҳолда антигипертензив терапия (АГТ) нинг фармакогенетик жиҳатлари ёритилган.

Терапевтик ёндошувларни ҳисобга олган ҳолда 4 та гуруҳ шакллантирилди: 1-гуруҳ ($n=56$): индапамид; 2-гуруҳ ($n=52$): зофеноприл; 3-гуруҳ ($n=23$): периндоприл ва индапамид; 4-гуруҳ ($n=38$): лерканидипин ва индапамид. Тузга сезгирликни ҳисобга олган ҳолда самарадорликни ўрганиш мақсадида ҳар бир гуруҳ иккита кичик гуруҳга бўлинди: 1-кичик гуруҳ ОТТСЧ юқори бўлган (3 ОТТСЧ ёки тузга сезгир АГ) ва 2-кичик гуруҳ ОТТСЧ ўртача ҳамда паст бўлган (1+2 ОТТСЧ ёки тузга резистент АГ).

Даволаш жараёнида индапамиднинг умуман гуруҳ бўйича, тузга таъм сезгирлигига қарамай, юқори гипотензив самарадорлиги кўрсатилди. Қайд қилиш лозимки, ОТТСЧ юқори беморлар гуруҳида ОТТСЧ паст ва ўртача беморлар гуруҳига нисбатан ДАБ нинг мақсад қилинган даражасига эришган беморлар сони 15,2% га ҳамда САБ ва ДАБ нинг мақсад қилинган даражасига бир вақтнинг ўзида эришганлар сони 12,4% га кўп бўлди.

